

Тошкент ислом институти ўқитувчилари Топкапи Саройи кутубхонасига ташриф буюришди



16:00 / 24.01.2019 2412

Аввалроқ, қўлёмалар фондига эга бўлган Туркия давлатидаги йирик кутубхоналар, илмий тадқиқот марказлари ва музейларнинг тажрибаларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим мудирлари, Тошкент ислом институти ўқитувчилари Муҳаммад Аюбхон Ҳомидов ва Камолиддин Маҳкамов хизмат сафари билан ушбу мамлакатга ташриф буюрганлари ҳақида хабар берилган эди.

Яқинда Диний идора мутахассислари Топкапи Саройига Истанбул муфтийлиги вакиллари ҳамроҳлигида ташриф буюрдилар. У ерда Топкапи Саройи кутубхонасининг ходими Гоксел Эрдоған ва Топкапи Саройи қўлёмалар кутубхонаси ходими Рамазан Актемур билан учрашув ўтказилди.

Сарой кутубхона ходими кутубхонадаги қўлёмалар фонди, китобларнинг сақланиш ҳолати ва баъзи қадимий мусхафларнинг факсимил нусхалари билан таништирди. Учрашувда нодир қўлёмаларни сақлаш, уларга ишлов

бериш масалалари юзасидан муҳокама ўтказилди.

Ўзбекистон делегацияси томонидан Топкапи Саройи кутубхонасига Ҳазрати имом ва ўМИ фотосуратлари тўплами ҳадя қилинди.

***Islom.uz* портали таҳририяти**